

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.07/30.12.2019.YU.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВ ДАНИЯР БАХТИЯРОВИЧ**

**МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШINI ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ**  
**ТАЪМИНЛАШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Content of the doctoral (DSc) dissertation abstract**

<b>Рахимов Данияр Бахтиярович</b> Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш.....	3
<b>Рахимов Данияр Бахтиярович</b> Гражданско-правовое обеспечение исполнения обязательств.....	33
<b>Rahimov Daniyar Baxtiyarovich</b> Civil law ensuring of enforcement of obligations .....	61
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	65

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.07/30.12.2019.YU.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВ ДАНИЯР БАХТИЯРОВИЧ**

**МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШINI ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ**  
**ТАЪМИНЛАШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.DSc/Ү135 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида bajarилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Рузиназаров Шухрат Нуралиевич юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ходжаев Бахшилло Камолевич юридик фанлар доктори, доцент Мухаммадиев Аюб Абдурахманович юридик фанлар доктори, профессор Камалов Ойбек Ахматович юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси Академияси


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Ү1.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 02 апрель соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилтоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).


Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1032-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Амир Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).


Диссертация автореферати 2022 йил 11 март куни тарқатилди.

(2022 йил 11 мартдаги 5 рақамли реестр баённомаси).



  
И.Р. Рустамбеков  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раёиси, юридик фанлар доктори,  
профессор

  
Д.Ю. Хабибуллаев  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
котиби, юридик фанлар номзоди,  
профессор

  
С.С. Гулямов  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
ҳузуридаги Илмий семинар ретшон,  
юридик фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари, айниқса, рақамли фуқаролик муомаласининг жадал ривожланиши мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муносабатларида иштирок этувчи тарафларнинг қонуний манфаатларини оқилона ҳимоя қилиш мақсадида анъанавий таъминлаш усуллари бўйича фундаментал илмий изланишларни олиб бориш ва уларни амалиётда қўллашнинг самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда. Пандемия шароитида глобал Интернет тармоқлари орқали шартномалар тузиш, айниқса, “Blockchain” каби янги рақамли технологияларга асосланган ақлли келишувларни қўллаш доирасининг тобора кенгайиб бораётганлиги, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг анъанавий усуллари ва рақамли технологияларни қўллаш билан боғлиқ янги шакл ҳамда усулларни татбиқ этишнинг ўзаро алоқадорлигини илмий-назарий нуқтаи назаридан ҳар томонлама асослантириш долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Таҳлилларнинг далолат беришича, 2027 йилга келиб дунёдаги ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизга яқини Blockchain асосига қурилган технологиялар ёрдамида жамланиши кутилаётганлиги<sup>1</sup> ва электрон шартномалар тузиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи “Халқаро шартномаларда электрон хабарномадан фойдаланиш ҳақидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенцияси”<sup>2</sup> амалда кенг қўлланилиб келинаётганлиги мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга янги рақамли технологияларни қўллаш баробарида шартномаларни электрон шаклда, шунингдек, электрон имзодан фойдаланган ҳолда тузиш ҳамда мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари фуқаролик ҳуқуқий табиатининг фундаментал асосларини рақамли реаллик талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиб тадқиқ этиб ўрганишга объектив зарурият вужудга келмоқда.

Жаҳонда мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг шаклланиши ва ривожланишининг илмий-назарий жиҳатларини концептуал ўрганиш, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг ривожланиш тенденцияларига таъсир этувчи замонавий ҳуқуқий омилларни аниқлаш, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга янги илмий концепцияларни амалиётга татбиқ этиш соҳасида цивилистик тадқиқот ишлари амалга ошириш истиқболли вазифалар сирасига киради. Бу борада, айниқса, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш институтини комплекс тадқиқ қилиш асосида илмий баҳолаш, анъанавий таъминлаш усулларини такомиллаштириш, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муносабатларига оммавий ва хусусий ҳуқуқларнинг “ҳуқуқ дуализми”ни қўллаш амалиётининг самарадорлигини аниқлаш,

---

<sup>1</sup> Deep Shift. Technology Tipping Points and Societal Impact. World Economic Forum. Survey Report. September 2015. -P. 24. // Савельев А.И Договорное право 2.0: «умные» контракты как начало конца классического договорного права /Вестник гражданского права.-2016, -N3. -С.32-59.

<sup>2</sup><http://docs.cntd.ru/document/901966877>

“Астрент”, “Эскроу”, “Indemnity”, “Warranty” ва “Estoppel” каби замонавий ҳуқуқий институтларининг илмий концепцияларни мавзу доирасида концептуал ўрганиш асосида мажбурият иштирокчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган таъминлаш усул ҳамда воситаларининг фуқаролик-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва унинг илмий-назарий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тараққиёт стратегиясига мувофиқ амалга оширилаётган кенг қамровли ва жадал ислоҳотлар шароитида фуқаролик ҳуқуқий мажбурият муносабатларини тартибга солиш муаммоларини назарий-методологик ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш устувор тадқиқот йўналишларидан бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат, фуқаролик қонунчилиги мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга оид муносабатларни тартибга солишда асосан анъанавий усуллар билан чекланиб қолинаётганлиги суд амалиётида яққол намоён бўлмоқда. Амалиёт таҳлиллари кўрсатишича, мажбурият тарафлари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муайян бўшлиқлар мавжудлиги, аксарият ҳолларда тарафларнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажарилмаслигига ёки лозим даражада бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда, баъзан мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга оид фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни қўллашда айрим муаммолар вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида “Фуқаролик кодексида фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик мажбуриятларини виждонан ва муносиб амалга оширишни таъминлашга қаратилган чора ва воситаларни такомиллаштириш; кредитор ва қарздорлар ҳуқуқларининг ишончли кафолатларини таъминлаш; фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ахборот-коммуникация технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш; гаров муносабатлари ҳақидаги нормаларни ривожлантириш”<sup>1</sup> каби ғоятда долзарб бўлган янги вазифалар қўйилди. Ушбу йўналишда белгиланган вазифалар бевосита мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш айниқса, кредитор ва қарздор ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли кафолатларини яратиш билан боғлиқдир. Шу нуктаи назардан мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш, уларни амалиётда қўллаш самарадорлигини оширишнинг фуқаролик-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, уларнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини инобатга олиб янада такомиллаштириш долзарб ва устувор тадқиқот йўналишларидан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1996), “Гаров тўғрисида”ги (1998), “Ипотека тўғрисида”ги (2006), “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (2012),

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли Фармойиши. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /<https://lex.uz/docs/4272621>

“Гаров реестри тўғрисида”ги (2013), “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги (1998) қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2021 йил 14 сентябрдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли фармонлари, 2019 йил 5 апрелдаги 5464-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” доирасида амалга оширилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.**

Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг айрим жиҳатларига оид илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Москва давлат юридик академияси (**Россия**), Россия давлат одил судлов университети (**Россия**), Украина Юридик академияси (**Украина**), Қозоғистон Республикаси Қонунчилик ва ҳуқуқий ахборот институти (**Қозоғистон**), Қирғизистон Республикаси Фанлар Миллий академияси Фалсафа ва сиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар институти (**Қирғизистон**), Maastricht University (**Нидерландия Қироллиги**), Lund University (**Швеция**), George Washington University (**АҚШ**), Sheffield University (**Sheffield-England**)да олиб борилмоқда.

Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга оид муносабатларни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари юзасидан қуйидаги натижалар олинган: жумладан, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларининг ҳимоялашга мўлжалланганлиги (Украина Юридик академияси), Лотин Америкаси мамлакатлари қонунчилиги бўйича фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари, кафилнинг солидар ва субсидиар жавобгарлиги, неустойка кредит мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш турларидан бири, неустойкани бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули сифатида, неустойкани ундириш (Россия давлат одил судлов университети, Москва давлат юридик академияси), неустойканинг ҳуқуқий табиати ва предмети; воситачилик шартномаси (Қозоғистон Республикаси Қонунчилик ва ҳуқуқий ахборот институти), мажбуриятлар бажарилишини

---

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.maastrichtuniversity.nl>; <https://www.lu.se>; <https://www.gwu.edu>; <https://www.sheffield.ac.uk>; <https://rgup.ru>; <https://msal.ru>; <https://nlu.edu.ua/ru>; <http://law.dgu.ru/>; <http://www.zqai.kz/ru>; <http://www.tsul.uz>; <http://proacademy.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

таъминлашнинг усули сифатида ипотеканинг хусусиятлари ва норматив-хуқуқий тартибга солиниши масалалари (Қирғизистон Республикаси Фанлар Миллий академияси Фалсафа ва сиёсий-хуқуқий тадқиқотлар институти), мулкка бўлган гаров ҳуқуқи (Maastricht University), банк кафолати (Lund University), судлар томонидан неустойкани камайтириш асослари (George Washington University), ушлаб қолишга бўлган сотиб олувчининг ҳуқуқи: англия ҳамда эрон ва шия қонунлари қиёсий таҳлил қилинган (Sheffield University, Sheffield-England).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот мавзусига оид маълум бир жиҳатлар, хусусан, мажбурият ҳуқуқи тушунчаси, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари, интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш масалалари, ипотека кредити шартномаси бўйича мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг фуқаролик ҳуқуқий масалалари, мажбуриятлар бажарилишни таъминлаш воситаси сифатида гаровнинг ҳуқуқий муаммолари, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда неустойкани қўллашни такомиллаштиришнинг илмий-назарий таҳлили, мажбуриятларни бажаришни таъминлаш усули сифатида мол-мулкни ушлаб қолишнинг аҳамияти, бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари билан боғлиқ масалалар Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Рустамбеков, Н.Имомов, Н.Исмаилов, А.С.Одинаев, Ш.Н.Рўзиназаров, Ф.Ю.Шодмановлар томонидан ўрганилган<sup>1</sup>.

Хорижий мамлакатларда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари В.С.Константинова, Б.М.Гонгалло, М.И.Брагинский, К.А.Новиков, Д.А.Торкин (Россия), Д.Калимов (Белорусь Республикаси), Д.С.Касымжанова (Қозоғистон), А.Т.Уметова (Қирғизистон), Ш.А.Нодирова (Тожикистон), В.Nicholas (Франция), А.S.Hartkamp (Нидерланд), А.Н.Silvertown (Англия), К.Н.Wang (Хитой) томонидан тадқиқ этилган<sup>2</sup>.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг тадқиқот ишлари асосан мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг муайян концептуал жиҳатларига бағишланган бўлиб, комплекс ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини ёритишга қаратилмаган. Мамлакатимизда рақамли реаллик шароитида мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-

---

<sup>1</sup>Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ, 2005; Рустамбеков И. Интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш муаммолари (монография). – Т.: ТДЮУ, 2017.; Имомов Н.Ф. Ипотека кредити шартномаси бўйича мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг фуқаролик ҳуқуқий масалалари. – Т.: ТДЮУ, 2014.; Исмаилов Н.М. Правовые проблемы залога как способа обеспечения исполнения обязательств: Автореф. дис.к.ю.н. – Т.: 1999.; Одинаев А.С. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда неустойкани қўллашни такомиллаштириш: илмий-назарий таҳлил. // Юридик фанлар Ахборотномаси. 2020 йил, маҳсул сон; Рўзиназаров Ш.Н. Мажбуриятларни бажаришни таъминлаш усули сифатида мол-мулкни ушлаб қолишнинг аҳамияти//Иқтисод ва ҳуқуқ. Экономика и право. – 2017. – №12.; Шодманов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Ю.ф.д. дисс. – Т., -2002.

<sup>2</sup>Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.



хуқуқий таъминлаш муносабатларининг назарий ва амалий масалаларига оид алоҳида комплекс тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлаш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлашнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлаш тушунчаси, цивилистик аҳамияти ва ролини аниқлаш;

мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлаш усуллариغا илмий докторинал ёндошувлар ва турланишининг ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш;

неустойка ва закатат мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлашнинг ундовчи усули сифатида хусусиятларини ўрганиш, уларни фарқланиш асосларига кўра қўллашнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

кафиллик ва кафолат мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлашнинг мажбурият иштирокчилари манфаатини хуқуқий ҳимоя қилиш усули сифатида ўзига хос жиҳатларини тизимли таҳлил этиш, уни қўллашда кредитор, кафил ва қарздорнинг қонуний манфаатларини ҳалоллик ва ишонч тамойилларига мувофиқ хуқуқий ҳимоя қилиш хусусиятларини тадқиқ этиш;

гаров ва қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолишнинг мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлашнинг универсал усуллари сифатида ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлашнинг замонавий усуллари бўйича концептуал ёндашувларни тадқиқ қилиш асосида қонунчиликни ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва асослаш;

рақамли реаллик шароитида мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлаш усуллари такомиллаштиришнинг замонавий истиқболларини белгилашга қаратилган муаммоли ва мақсадли назарий ва амалий тусдаги концептуал таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлашга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар, хуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва хуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни олиб боришда тарихий ва тизимли усул, анализ ва синтез усули, қиёсий-хуқуқий ва таҳлил қилиш усули,

норматив-ҳуқуқий ва амалий таҳлил усули, умумлаштириш, мантиқийлик ҳамда маълумотларни тизимли таҳлил қилиш каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишда мажбуриятларни бажариш усуллариининг такомиллаштирилиши, кредиторлар талабларини қондириш навбатининг белгиланиши, ундирув қаратилган мол-мулкни сотиш тартибларининг ривожлантирилиши, жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори ўз вақтида шакллантирилиши кредиторларнинг манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун муҳим эканлиги асослантирилган;

мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида берилган қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан айна бир мол-мулкка бўлган ўз ҳуқуқлари тўғрисида гаров реестрига ёзув киритган кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш навбатини белгилаш зарурлиги асослаб берилган;

гаровга қўйилган мол-мулкни сотишда қарздор ёки учинчи шахс бўлган гаровга қўювчи гаров нарсаси реализация қилингунига қадар исталган вақтда гаров билан таъминланган мажбуриятни ёки унинг муддати ўтказиб юборилган қисмини бажариб, ундирувни гаров нарсасига қаратиш ва уни реализация қилишни тугатиши мумкинлиги асослантирилган;

гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишда мол-мулк бир нечта кредитор олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминласа, гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган пул маблағлари мазкур мажбуриятларни қонунда белгиланган навбат бўйича бажаришга йўналтириш мумкинлиги асослаб берилган;

гаровга қўйилган мол-мулкни гаров билан таъминланган мажбуриятларни қоплашга қабул қилинишда такрорий кимошди савдоси амалга ошмаганида гаровга олувчи гаров нарсасини реализация қилинмаган гаров нарсасини ушбу савдодаги бошланғич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камроқ суммада баҳолаб, ўзида олиб қолиши мумкинлиги асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга оид муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини унинг ривожланиш тенденцияларини инобатга олиб такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлиги нуқтаи назаридан самарадорлигини ошириш зарурияти асослантирилган;

мажбуриятлар бажарилишини оқилона таъминлаш мақсадида унга салбий таъсир кўрсатадиган коррупциявий омилларнинг олдини олишда “ақлли” келишувлардан хусусан, электрон шаклдаги шартномалардан фойдаланиш ҳар томонлама самарали ҳисобланиши ва рақамли фуқаролик муамоласининг ривожланиш тенденцияларига мос келиши асослаб берилган;

шартнома олди, шартномани амалга ошириш ва ижро этиш жараёнларида тарафларни ўз мажбуриятини бажаришига ундашга қаратилган фуқаролик-ҳуқуқий воситаларни самарали қўллаш уни таъминлашнинг ғоятда муҳим гарови эканлиги асослантирилган;

мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш билан боғлиқ муносабатларда “ҳуқуқ дуализми” оид масалаларга янги илмий-методологик ёндашувлар бўйича нуқтаи назарлар асослантирилган;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини бирхиллаштириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари маълум бир асос, мезон ва шартларга таянган ҳолда тизимли равишда қўллаш суд амалиётида адолатли қарорлар чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши асослантирилган;

мажбуриятлар бажарилишини таъминлашни такомиллаштиришнинг истиқболларини белгилашда фуқаролик қонунчилигининг самарадорлигини ошириш объектив зарурият эканлигидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Ломбардлар тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар лойиҳаси ишлаб чиқилган;

неустойкани камайтириш масаласида суд амалиётини бирхиллаштириш орқали одил судловни амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 326-моддасини амалиётга қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори лойиҳаси тайёрланган;

“Астрент”, “Эскроу”, “Indemnity”, “Warranty” ва “Estoppel” каби замонавий ҳуқуқий институтларининг илмий концепцияларидан, “Таъминловчи битимлар” ва интеллектуал мулк объектларидан таъминлаш усуллари сифатида фойдаланиш ғоятда муҳим фуқаролик-ҳуқуқий восита вазифасини бажариши илмий нуқтаи назардан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқшунослар орасида ўтказилган социологик сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асослангани, статистика маълумотларини таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар келгусидаги илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, фуқаролик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда манба сифатида қўллашга ҳамда фуқаролик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини

такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифларнинг мажбуриятларни бажариш усулларини такомиллаштириш, кредиторлар талабларини қондириш навбатини белгилаш, ундирув қаратилган мол-мулкни сотиш, жамият устав фонди капитали, жамият акцияларини имтиёзли равишда олиш масалаларига оид қисмидан 2019 йил 20 мартдаги “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чоратадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-531-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар) ҳамда 4-моддаси (“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар)ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2019 йил 2 августдаги 04/1-06-2478-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф турар жойларни сотиш билан боғлиқ мажбуриятларни расмийлаштириш орқали кредиторларнинг манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ҳамда жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини белгилашга хизмат қилган;

“Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида берилган қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш навбати”га оид таклифлар (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 259<sup>1</sup>-моддаси) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги “Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-572-сонли Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 23 декабрдаги 06/1-05/4249 вх-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф айти бир мол-мулкка бўлган ўз ҳуқуқлари тўғрисида гаров реестрига ёзув киритган кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш навбатини белгилашга имкон яратган;

“Гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш”га оид таклифлар (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 281-моддаси еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи қисмлари) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги “Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда

тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-572-сонли Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 23 декабрдаги 06/1-05/4249 вх-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф қарздор ёки учинчи шахс бўлган гаровга қўювчи гаров нарчаси реализация қилингунига қадар исталган вақтда гаров билан таъминланган мажбуриятни ёки унинг муддати ўтказиб юборилган қисмини бажариб, ундирувчи гаров нарчасига қаратиш ва уни реализация қилишни тугатишга хизмат қилган;

“Гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш”га оид таклифлар (Ўзбекистон Республикаси “Гаров тўғрисида”ги қонунининг 28-моддаси учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги “Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-572-сонли Қонунини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 23 декабрдаги 06/1-05/4249 вх-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф мол-мулк бир нечта кредитор олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминласа, гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган пул маблағлари мазкур мажбуриятларни қонунда белгиланган навбат бўйича бажаришга йўналтириш имкониятини яратган;

“Гаровга қўйилган мол-мулкни гаров билан таъминланган мажбуриятларни қошлашга қабул қилиш”га оид таклифлар (Ўзбекистон Республикаси “Гаров тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги “Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-572-сонли Қонунини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 23 декабрдаги 06/1-05/4249 вх-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда гаровга олувчи гаров нарчасини реализация қилинмаган гаров нарчасини такрорий кимошди савдосидаги бошланғич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камроқ суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш шундан, 2 та монография, ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 16 та мақола, 2 та халқаро журналда, 3 та халқаро конференцияда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 247 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Фуқаролик қонунчилигини ривожлантиришда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллариининг цивилистик тавсифи”** деб номланган биринчи бобида мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш тушунчаси, цивилистик аҳамияти ва роли, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллариининг илмий докторинал ёндошувлар ва турланишининг ўзига хос жиҳатларига оид масалалар тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг **“Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш тушунчаси, цивилистик аҳамияти ва роли”** деб номланган биринчи параграфида Ўзбекистоннинг қадимги ҳудудларида ва ислом ҳуқуқида мавжуд бўлган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга оид тушунчалар, цивилистик тафаккур натижаларини инобатга олган ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар чегарасини белгилаш, манфаатлар тўқнашуви, коррупцион омиллар, электрон ва смарт шартномаларнинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлашдаги ўрни, ушбу жараёни қамраб оладиган босқичлар, таъминлаш тушунчаси, унинг цивилистик аҳамияти ва роли таҳлил қилинган.

Диссертант ҳуқуқшунос олимлар (Х.Р.Рахмонкулов, Н.Ф.Имомов, Ш.Н.Рўзиназаров, К.А.Новиков, Д.А.Торкин, О.М.Свириденко, А.А.Иванов, Н.Д.Эриашвили, И.Ражабов, Р.Мамажанова)нинг қарашларини таҳлил қилган

ҳолда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш – қарздорни олган мажбуриятини бажаришига бевосита ундаши; мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун мулкнинг захираланиши; мажбурият бажарилишига учинчи шахсларнинг жалб қилиниши ва мажбурият бузилишининг олдини олиш (профилактика) орқали таъминлашнинг бошқа иштирокчилар билан биргаликда, кредитор манфаатини ҳимоя қилиш жараёнларини қамраб олади деган ҳулосага келади.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учта босқич, яъни биринчи босқич – шахсларни шартнома тузишга “тайёргарлик босқичи”, иккинчи босқич – тарафларни олган мажбуриятини бажаришини таъминлаш (асосий босқич) ва учинчи босқич – мажбурият бузилганидан кейин ижрони таъминлаш жараёнлари (якуний-тиклаш босқич)ни ўз ичига қамраб оладиган ҳуқуқий муносабатлар мажмуаси бўлиб, барча жараёнларда ундовчилик хусусияти устуворлик касб этади ҳамда мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг самарадорлиги ушбу босқичларнинг оқилона амалга оширилишига бевосита боғлиқ эканлиги асослаб берилган.

Тадқиқотда ҳуқуқшунос олимлар (Т.Я.Хабриева, В.Ф.Яковлев ва Э.В.Талапина)нинг қарашларини ўрганиш ҳамда амалдаги қонунчиликдаги мавжуд нормаларни таҳлил қилган ҳолда мажбуриятлар бажарилишини самарали таъминлаш учун оммавий ва хусусий ҳуқуқларнинг “ҳуқуқлар дуализми”га йўл қўйилиши, бунда оммавий ҳуқуқдаги рағбатлантирувчи нормаларни хусусий ҳуқуққа татбиқ этиш орқали мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнида қарздорга енгиллик яратиш, уни ўз мажбуриятини бажаришига ундайди, деган ҳулосага келади.

Илмий-методологик таҳлилларга асосланган ҳолда тадқиқотчи томонидан мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашга нисбатан “Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш деганда, шартнома олди, уни амалга ошириш ва ижрога қаратиш даврида қарздорда ўз зиммасига олган мажбуриятини бажаришига бевосита ундаш, мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслигининг олдини олиш орқали бошқа иштирокчилар билан бирга кредиторнинг мулкий манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида бевосита махсус қонун ёки қонун ҳужжатлари ёхуд шартномада белгиланадиган ҳуқуқий таъминлаш усуллари тушунилади” деган муаллифлик таърифи илгари сурилади.

Ушбу бобнинг **“Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларига илмий докторинал ёндошувлар ва турланишининг ўзига хос жиҳатлари”** деб номланган иккинчи параграфда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига бағишланган назарий ёндошувлар (асосий назарий концепциялар) ҳамда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари туркумлаш ва уларни гуруҳларга ажратишнинг ўзига хос жиҳатларига оид масалалар тадқиқ этилган.

Диссертант мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари таърифлашда турли **“Функционал”** (О.С.Гринь), **“Бажаришнинг ташқи манбаси”** (Н.Ю.Расказова, Д.В.Тариканов) ва **“Субъектив ҳуқуқ концепциялар** (Х.Вебер)ни таҳлил қилиб, доктрина ҳозиргача турли

таъминловчи чораларни мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари сифатида эътироф этишнинг ягона ва умум тан олинган мезонларини ишлаб чиқа олгани йўқ деган, хулосага келиб, таъминловчи чораларни “Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари” сифатида уларнинг белги ва хусусиятларини ягона бир тизимга бирлаштирувчи мезонлар: *биринчидан*, уларнинг мажбурият эканлиги; *иккинчидан*, конунчилик ёхуд келишув бўйича вужудга келиши; *учинчидан*, асосий мажбурият бажарилишига ундаши (*ундаш функцияси*); *тўртинчидан*, мулкӣ оқибат вужудга келтириши орқали манфаатларни ҳимоя қилиши (*зарарни қоплаш функцияси*); *бешинчидан*, асосий мажбуриятга нисбатан кўшимча (аксессуар) хусусиятга эга эканлигини ифодалайди, деган фикрни илгари суради.

Диссертант таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари – 1) неустойка, гаров, кафилик, закат каби анъанавий усуллари; 2) қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш ва кафолат каби бошқа таъминлаш усуллари; 3) шартномавий-ҳуқуқий механизмига хос белгиларни ифодаладиган таъминловчи битимларни таъминлаш усуллари сифатида; 4) “Estoppel”, “Warranty”, “Indemnity”, “Эскроу”, “Астрент” каби замонавий таъминлаш усуллари; 5) “урфга айланган” таъминлаш усуллари туркумлашни таклиф этади.

Тадқиқотчи чуқур илмий-амалий таҳлилларга таянган ҳолда ҳуқуқни қўллаш амалиётида таъминлаш усуллари мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш даражаси (таъсир кучи) турлича хусусан, неустойканинг пеня шаклида – мажбурият бажарилиши кечиктирилган қисмининг 50 фоизгача ёки жарима шаклида 1–20 фоизгача, закат тарафларни келишувига кўра ёки 0,05–15 фоизгача, кафилик ва кафолат қарздорликнинг бир қисми ёки тўлиқ, гаров олинган мажбуриятга нисбатан тўлиқ белгилансада, бироқ уни барча мажбуриятларга бирдек қўллашнинг имконияти йўқ. Мажбурият тарафи ҳамма вақт ҳам ўз мулкни гаровга қўйишни хоҳламайди деган хулосага келади ва Германия конунчилигини қиёсий таҳлил қилган ҳолда мажбурият бажарилишини лозим даражада таъминлаш мақсадида, таъминлаш жараёнида таъминлаш усули янада самаралиси билан алмаштирилиши ёки таъминлаш жараёнига бир нечта усулларнинг жалб этилишига йўл қўйилиши лозимлигини қайд қилиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига “Мажбурият бажарилишини таъминлаш усулининг ўзгартирилиши ёки бир нечта усулларнинг қўлланиши” деб номланган 259<sup>2</sup>-модда киритиш заруриятини асослаб беради.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашда қарздорни ўз мажбуриятини лозим даражада бажаришга ундовчи усуллари”** деб номланади. Унда неустойка ва закат мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг қарздорни ўз мажбуриятини бажаришига ундовчи усуллари сифатида тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг **“Неустойка – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг усули сифатида”** деб номланган



биринчи параграфда неустойкага мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлашнинг ундовчи усули сифатидаги қарашлар, неустойкани камайтириш, неустойкани қўллаш мезонлари, неустойкани тўлашдан озод этишнинг асоси ва шартлари, товар неустойкасига оид масалалар тадқиқ этилган.

Диссертант ҳуқуқшунос олимлар томонидан неустойканинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг ундовчилик хусусияти уни белгилаш шартнома бажарилиши босқичига ёки шартнома баҳосига боғлиқ ҳолда (С.М.Рустамова, Р.А.Давлетханов), мулкӣ жавобгарлик шакли сифатида қўлланганда қарздорнинг жавобгарлиги масаласига (С.В.Мельниченко) дифференциал ёндашилиши хусусидаги фикрларини таҳлил қилган ҳолда неустойканинг миқдори дифференциаллашиш жараёни дастлабки ва якуний босқичларни ўз ичига олади деб ҳисоблайди. Дастлабки босқич мажбуриятни таъминлаш ва якуний босқич эса, суд жараёнида неустойка миқдорини мажбурият бузилиши номуносивлигидан келиб чиқиб белгилаш жараёнида юзага келади деган, илмий хулосани илгари суради.

Диссертант асосий мажбуриятнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда неустойкани 0,1 фоиздан 100 фоизгача белгиланган ҳолда масалага дифференциал ёндашиш мақсадга мувофиқлиги, олган мажбуриятини доимий равишда бажарадиган “инсофли бажарувчи”га биринчи босқичда – 25 фоиз, иккинчи босқичда – 50 фоиз, учинчи босқичда – 75 фоизгача неустойкани камайтириш ва тўртинчи босқичда неустойкани тўлашдан озод қилиш амалиёти йўлга қўйилиши лозим деган хулосага келиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини “Лафзсизлик тўловини қўллашнинг соддалаштирилган тартиби” деб номланган қарздор олган мажбуриятини бажариш давомийлигида унинг бузилишига йўл қўймаса лафзсизлик тўловини тўлашдан озод қилиниши, лафзсизлик тўловини қўллашнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилмайдиган ҳолатлар баён этилган 326<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш зарурлигини асослаб беради.

Ушбу бобнинг **“Закалат – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлашнинг усули сифатида”** деб номланган иккинчи параграфда закалатнинг мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлашнинг ундовчи усули сифатида ўзига хос хусусиятлари, Фуқаролик кодексининг бир нечта моддаларида турлича талқин қилинишига ҳамда ким ошди савдодаги таклифни таъминлаш (ФКнинг 380-моддаси)даги ўрнига муносабат билдирилиб, уни қўллаш учун асос, мезон ва шартлар таҳлил этилган.

Тадқиқотчи мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида закалатнинг хусусиятларини таҳлил қилишда ҳуқуқшунос олимлар (Д.Я.Соломкина, О.П.Казаченок, М.Ф.Ермошкина, Е.С.Куликов)нинг фикрларини ўрганган ҳолда закалатни асосий мажбуриятнинг 50 фоизгача белгилаш мақсадга мувофиқлиги, бунда биринчи тараф шартномага киришишнинг ўзидаёқ аҳамиятли тўловни тўлаши агар мажбуриятни бажармаса уни йўқотиши орқали катта зарар кўриши мумкинлиги билан мажбуриятини бажаришга ундаш вужудга келса, иккинчи тарафда эса, уни

икки баравар (100 фоиз) қилиб қайтариш, шунингдек, миждозларнинг ишончини йўқотиши натижасида у томонидан қилинаётган таклифга бўлган талабнинг сусайиши оқибатида иктисодий ночор ҳолатга тушиб қолиши мумкинлиги уни доимо хушёрликка чорлаб, мажбуриятини бажаришга ундайди деган хулосага келади.

Тадқиқотчи ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилган ҳолда тарафлар ўз мажбуриятини тўлиқ бажариши учун тўлов қобилиятини тиклашга монелик қилувчи ҳолатлар бўлган тақдирда уларнинг қонуний манфаатини ҳимоя қилиш учун закат берилганидан кейин бир ой ичида келишилган мажбурият бажарилмаса бир тараф закатни йўқотиши ёки иккинчи тараф уни икки баравар миқдорида тўлаган ҳолда мажбуриятни бажаришдан бош тортиш ҳуқуқи берилиши лозим деган хулосага келади ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 311-моддаси учинчи қисмини янги таҳрирда қабул қилиш зарурлигини асослаб беради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг мажбурият иштирокчилари манфаатини ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллари”** деб номланган бўлиб, унда кафиллик – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари тизимида тутган ўрни ва асослари ҳамда кафолат – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг усули ва унинг хусусиятлари тадқиқ қилиб ўрганилган.

Ушбу бобнинг **“Кафиллик – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари тизимида тутган ўрни ва асослари”** деб номланган биринчи параграфиди кафилликнинг мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг мажбурият иштирокчилари манфаатини ҳуқуқий ҳимоя қилиш усули сифатида тутган ўрни ва ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги қарашлар, кафилнинг жавобгарлик ҳажмини, уни қўллаш учун асос, мезон ва шартларини белгилашга оид масалалар таҳлил этилган.

Диссертант Швейцария, Аргентина, АҚШ, Австралия, Исроил давлатлари шартнома тузиш амалиётидан келиб чиққан ҳолда кафилликнинг ҳимоя қилиш хусусияти нафақат кредитор манфаатларини таъминлашга қаратилишида, шу билан биргаликда мажбурият бажарилиши жараёнида вазият ўзгарганида кафилнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қила олишида намоён бўлади деган хулосага келади. Ушбу ўринда муаллиф Ш.Рўзиназаров ва бошқа ҳуқуқшунос олимларнинг кафиллик мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг муҳим усули бўлиб, мажбурият тарафларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади деган фикрини<sup>1</sup> қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, диссертант мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усули сифатида кафилликнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш хусусияти ва таъминлашнинг амалий аҳамияти ҳамда ижтимоий моҳиятини

---

<sup>1</sup>Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. 87-б.

таҳлил қилади ва бу унинг зарарни қоплаш, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш ва мажбурият бажарилишига ундаш функцияси орқали намоён бўлиб, мажбурият тарафларининг манфаатини ҳимоя қилади, деган асослантирилган хулосага келади.

Диссертант Франция қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда кредитор бошқа шахс билан тил бириктирган ҳолда алдаш, таҳдид қилиш, фирибгарлик ёки бошқа воситалардан фойдаланиб ҳақиқатни яшириш эвазига кафиллик беришга мажбур қилган бўлса кафил жавобгарликдан озод қилиниши лозим деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси “Кафилнинг жавобгарлигини истисно қиладиган ҳолатлар” деб номланган 293<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилиши зарурлигини асослаб беради.

Ушбу бобнинг **“Кафолат – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг усули ва унинг хусусиятлари”** деб номланган иккинчи параграфида кафолатнинг мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг мажбурият иштирокчилари манфаатини ҳуқуқий ҳимоя қилиш усули сифатида таъминлашда тутган ўрни, кафиллар доирасини кенгайтириш, кафолат олиш учун қўйиладиган талаблар, кафолатни чақириб олиш ва уни қўллашнинг асос, мезон ва шартлари, кафолатнинг афзалликлари ва нуқсонлари ҳамда “делькредере”га оид масалалар таҳлил этилган.

Диссертант кафолатни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида таҳлил қилиш асосида кафиллик орқали кредитор (етказилган зарар кафил томонидан қопланиши), қарздор (кафил томонидан қарздор манфаатлари тикланишини таъминловчи ҳуқуқлар амалга оширилишига бўлган жараён ҳимоя қилиниши) ва кафилнинг (кафил ўз мажбуриятини бажарганидан кейин қарздорга нисбатан регресс талаб қўйиши) ҳуқуқлари ҳимоя қилинади деган концептуал хулосани асосли тарзда ифода этиб беради.

Шунингдек, тадқиқотчи кафолат бериш билан боғлиқ мажбуриятли муносабатларни такомиллаштиришда, ушбу муносабат иштирокчиларига нисбатан аниқ талаблар қўйилиши хусусан, принципалга кафолат олиши учун маълум бир шартлар белгиланиши муҳим деб ҳисоблайди. Бу каби шартлар принципал томонидан олинган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаши билан биргаликда, кредитор ҳамда кафилнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳам ҳимоя қилади. Бу борадаги миллий муносабатларни тартибга солувчи тижорат банкларига тааллуқли низомлар ёки муайян қонун ости ҳужжатлари фақат чекланган субъектлар фаолиятига даҳлдор бўлиб, улар кенг доирадаги ижтимоий муносабатларни камраб ола олмайди. Бу ҳолат мазкур муносабатларни қонун даражасида тартибга солиш заруриятини юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан Россия қонунчилигини ўрганиш ҳамда илмий ва концептуал таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда муаллиф Фуқаролик кодексининг 299-моддасини кафолат олиш учун принципал зарар кўриб ишламаётган бўлиши ҳамда ноликвид балансга эга бўлмаслиги; муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзларининг мавжуд бўлмаслиги; молиявий йил натижалари бўйича ижобий аудиторлик хулосасига эга бўлиши; ижобий кредит тарихига эга бўлиши каби талаблар қўйилишини ўзида ифодалаган иккинчи қисм билан тўлдиришни таклиф қилади.

**Тадқиқотнинг тўртинчи боби - “Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг универсал ва замонавий усуллари”** деб номланади. Мазкур бобда гаров ва қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг универсал усули сифатида, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг замонавий усуллари ҳамда рақамли реаллик шароитида мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари такомилаштиришнинг замонавий истиқболларини белгилашга оид масалалар тадқиқ этилади.

Ушбу бобнинг **“Гаров – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг универсал усули сифатида”** деб номланган биринчи параграфиди гаровнинг мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг универсал усули сифатида хусусиятлари, уни қўллаш учун асос, мезон ва шартларга оид илмий ва амалий аҳамиятга молик масалалар замонавий ёндошувлар асосида тавсифлаб берилган.

Тадқиқотчи ҳуқуқшунос олимлар (Н.М.Исмоилов, К.В.Кукарская, И.Насриев, М.Рахимжанова ва Ш.А.Нодирова)нинг фикрларини ўрганиш ҳамда Франция, Германия, Австрия каби ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули бўлган гаров: биринчидан, келгусидаги вужудга келадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш; иккинчидан, ашёвий-ҳуқуқий ва мажбурият-ҳуқуқий тусга эга бўлиши; учинчидан, қарздор кредиторига бошқа кредиторларга қараганда имтиёз тақдим эта олиши; тўртинчидан, эркин шаклда қўлланила олиши; бешинчидан, оммавий фойдаланишга мўлжалланганлиги; олтинчидан, ҳар қандай мажбурият бажарилишини таъминлай олиши; еттинчидан, кўп тармоқлиликка хос белгига эга бўлиши; саккизинчидан, шартномадан ташқари мажбуриятларни ҳам таъминлай олиш каби универсал усулларга хос хусусиятларга эга деган илмий хулосага келади.

Германия қонунчилигини қиёсий таҳлил қилган ҳолда гаров билан таъминланадиган шартномавий муносабатлар доирасини кенгайтириш орқали фуқароларга бу муносабатларда ўз ҳуқуқларини эркин амалга оширишларини таъминлаш учун фуқаролик қонунчилигидаги “алиментлар тўғрисидаги талаблар” гаров нарсаи бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги чекловларни бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 267-моддаси биринчи қисмига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва учинчи қисм билан тўлдириш зарурияти асослаб берилади.

Ушбу бобнинг **“Қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг универсал усули сифатида”** деб номланган иккинчи параграфиди гаров ва қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолишнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, унинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг универсал усули сифатида хусусиятлари, уни қўллаш учун асос, мезон ва шартларига оид масалалар илмий-концептуал жиҳатидан ифода этиб берилди.

Диссертант томонидан ҳуқуқшунос олимлар (Д.В.Новак, Л.Н.Якушина, В.А.Белов, Н.В.Южанин)нинг қарашлари илмий таҳлил қилинган ҳолда

қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолишда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш универсал усулларга хос бўлган ашёвий-ҳуқуқий ва мажбурият-ҳуқуқий; қарздор кредиторига бошқа кредиторларга қараганда имтиёз тақдим эта олиш; эркин шаклда қўлланила олиш; ундан оммавий равишда кенг фойдаланиш қулайлиги; кўчар ёки кўчмас ашё ушлаб қолиниши, кўп тармоқлилик каби хусусиятлар билан тавсифланиши ҳақидаги нуқтаи назарларни илмий назарий аргументлар асосида ёритиб беради.

Тадқиқотчи қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда ушлаб қолинадиган ашё билан боғлиқ бўлган мажбурият ҳуқуқининг мавжуд бўлиши; мажбуриятни бажариш муддати келиши; ашёга эгалик фактик асосга эга бўлиши; ашёга эгалик қилиш қонуний бўлиши; ушлаб қолинадиган ашё қарздорнинг мулки бўлмаслиги каби ушлаб қолиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи шартлар мавжуд бўлиши ғоятда муҳим аҳамият касб этади деган хулосага келади ва Германия ҳамда Япония қонунчилигини қиёсий таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини “Ушлаб қолиш ҳуқуқининг вужудга келиши шarti” деб номланган 291<sup>2</sup>-модда билан тўлдириш заруриятини асослаб беради.

Ушбу бобнинг **“Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг замонавий усуллари”** деб номланган учинчи параграфиди “Астрент”, “Эскроу”, “Indemnity”, “Warranty”, “Estoppel” каби мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг замонавий усуллари таҳлил қилинади.

Муаллиф ҳуқуқшунос олимлар (Ш.Н.Рўзиназаров, В.В.Гушин, А.В.Добравинская, И.А.Гребенкина, А.Парфенчиков, Н.А.Резина ва Л.В.Ивановалар)нинг фикрларини ва Франция, Италия, Греция, Португалия, Россия фуқаролик қонунчилиги ва суд амалиётини таҳлил қилар экан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини такомиллаштиришнинг замонавий истиқболларини белгилашда “Астрент”, “Эскроу”, “Indemnity”, “Warranty” ва “Estoppel” каби таъминлаш усуллари алоҳида ўринга эга деган илмий хулосага келади.

Диссертант цивилистик тафаккур ривожининг замонавий янги тенденцияларини инобатга олган ҳолда қарздор томонидан мажбурият бажарилмаган тақдирда неустойкани ундириш ҳақида суд томонидан қабул қилинган қарор ижро қилинмаганида кредиторнинг талабига биноан мазкур ҳужжатда белгиланган миқдорда пул маблағларини ундириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мажбуриятлар бажарилишининг ижро босқичида “Астрент” орқали самарали таъминланади деган хулосага келади ва Италия ҳамда Россия қонунчилигини қиёсий таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига “Мажбурият бўйича кредиторнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” деб номланган 258<sup>1</sup>-модда киритиш заруриятини асослаб беради.

Шунингдек, муаллиф ҳуқуқшунос олимлар (М.А.Токмаков, Н.Ю.Белокопытова, В.В.Колесникова, Д.К.Дубнова)нинг фикрларини ўрганиш ҳамда АҚШ, Россия ва Япония қонунчилигини қиёсий таҳлил қилган ҳолда мол-мулкни депозитлашга топшириш билан боғлиқ шартномавий муносабатларнинг вужудга келиши ва бу борада тарафлар томонидан олинган

мажбуриятлар бажарилишини таъминлашни тартибга солишда шартли депонентлаш шартномаси “Эскроу” самарали эканлиги хусусида илмий хулосага келиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига “Шартли депонентлаш шартномаси (“Эскроу”)” деб номланган 975<sup>1</sup>-модда киритишни таклиф қилади.

Бундан ташқари, тадқиқотчи ҳуқуқшунос олимлар (Е.А.Останина)нинг фикрларини ҳамда Германия, Франция, Белгия, Италия, Нидерландия Қироллиги ва Сингапур каби ривожланган хорижий мамлакатларнинг қонунчилигининг ижобий тажрибасини қиёсий таҳлил қилган ҳолда мажбурият тарафлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганида келишувда кўрсатилган мажбуриятнинг бузилиши билан келиб чиқадиган зарарларни қоплаш, суд томонидан ундириладиган зарарнинг миқдорини камайтириш, кредиторнинг учинчи шахсга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаби зарарни қоплаган томонга ўтиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули бўлган “Indemnity” самарали эканлиги хусусида хулосага келади ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига “Шартномада белгиланган шартлар юзага келганида келтирилган зарарларни қоплаш” деб номланган 336<sup>1</sup>-модда киритиш заруриятини асослаб беради.

Муаллиф ҳуқуқшунос олимлар (С.Л.Будылин)нинг фикрларини ҳамда Австрия, Франция, АҚШнинг Луизиана ва Квебек Штатлари ҳамда Хитой каби ривожланган хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини қиёсий таҳлил қилган ҳолда тарафлар томонидан шартнома тузилаётганида ёки тузилгунга қадар ёхуд ундан кейин иккинчи тарафга унинг бажарилиши ёки бекор қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар бўйича ишончга сазовор бўлмаган кафолат бериши натижасида келиб чиққан зарарни қоплаш ёки неустойкани тўлаш тўғрисида талаб қилиш, шартномадан бош тортиш ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули бўлган “Warranty” муҳим аҳамият касб этади, деган хулосага келиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига “Ҳолатлар бўйича кафолат” деб номланган 310<sup>1</sup>-моддани ифода этишга оид таклифини илгари суради.

Шу билан биргаликда тадқиқотчи Германия ва Сингапур каби ривожланган хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини қиёсий ўрганиш асосида шартнома тарафи ўз мажбуриятини бажаргунга қадар иккинчи тарафни хабардор қилиб, мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишига оид муносабатларни тартибга солишда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули бўлган “Estoppel” самарали эканлигини қайд қилиб, бу каби таъминлаш усули шартнома тарафларига ўз ҳуқуқларини эркин равишда амалга ошириш ва қонуний манфаатларини таъминлаш имкониятини юзага келтиради деб ҳисоблайди ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига “Шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишдан ёки шартномани бажаришдан бош тортиш” деб номланган 382<sup>1</sup>-модда киритиш заруриятини асослаб беради.

Ушбу бобнинг **“Рақамли реаллик шароитида мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари**ни такомиллаштиришнинг замонавий истиқболлари” деб номланган тўртинчи параграфида мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш юзасидан устувор қонунлар ишлаб чиқиш истиқболли вазифа эканлиги, шунингдек, “таъминловчи битимлар”ни ифодаловчи шартномавий-ҳуқуқий механизм ҳамда интеллектуал мулк объектларини таъминлаш усуллари сифатида эътироф этишга оид масалалар илмий-концептуал жиҳатидан таҳлил этилди.

Бинобарин, рақамли фуқаролик муомаласининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида ломбардлар томонидан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни зақалат шаклида гаровга қабул қилиб, қисқа муддатли (уч ойдан ошмаган муддатга) кредитлар бериш амалиёти ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан аҳамиятга эга. Чунки, уни расмийлаштириш ва ундан фойдаланиш барча фуқаролар учун қулай ва бу жараён уларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Тадқиқотчи АҚШ, Малайзия, Сингапур, Хитой, Россия, Арманистон, Тожикистон ҳамда Қирғизистон каби мамлакатларда ломбардлар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинганлиги ҳамда АҚШ ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида ломбардлар ўз фаолиятини самарали амалга ошириб келинаётган бўлсада, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ломбардлар фаолияти махсус устувор қонун билан эмас, балки маълум бир низомлар ёки қонун ҳужжатларида акс этган айрим нормалар билан тартибга солиниб келинаётганлигини таъкидлаб, бу каби ҳужжатлар ломбардлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун етарли эмас деган хулосага келади ва Ўзбекистон Республикасининг “Ломбардлар тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиққанлиги, бу борада норма ижодкорлик фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан ахборот-коммуникация технологияларини мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнига қўллаш, кредиторнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш, таъминлашга оид атамаларнинг давлат тилида оддий ва содда ифодаланишини таъминлаш, қарздор ва кафилнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларда самарали қўлланилиб келаётган замонавий таъминлаш усуллари миллий қонунчиликка киритиш орқали мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш институтини такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги фуқаролик қонунчилигини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқаришда ғоятда муҳим асос бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотчи “таъминловчи битимлар”ни ифодаловчи шартномавий-ҳуқуқий механизмларни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида талқин этишда ҳуқуқшунос олимлар (Н.Имомов, С.Ғайбуллаев, Д.В.Данилов М.Э.Бобожонов, Д.А.Иванов)нинг фикрларини ва АҚШ, Германия, Бразилия, Франция, Испания, Польша, Таиланд каби хорижий

мамлакатларнинг қонунчилигини қиёсий таҳлил қилган ҳолда “таъминловчи битимлар” мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида эътироф этиш ва уларни таъминлаш жараёнига татбиқ этиш, мажбуриятлар бажарилишини самарали таъминлашнинг гарови ҳисобланади деган хулосага келади. Айтиш керакки бу борадаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни ақлли тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 105-моддаси биринчи қисмига “Битимлар оғзаки ёки ёзма ёхуд электрон шаклда (электрон оферта, электрон акцепт) тузилади. Агар қонунчиликда ўзга ҳолат белгиланган бўлмаса, тарафлар битим шаклини эркин танлаш ҳуқуқига эга” деган ўзгартириш киритишни таклиф этади.

Шунингдек, тадқиқотчи ҳуқуқшунос олимлар (О.Окюлов, У.А.Петрова, В.С.Екимова, Х.А.Мамаджанов, О.В.Перепечко, З.Қ.Бабакулов)нинг интеллектуал мулк объектлари мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда қўлланилиши юзасидан билдирган нуқтаи назарларини ўрганган ҳолда брендлар (товар белгиси)дан гаров сифатида фойдаланиш мажбуриятлар бажарилишини самарали таъминлайди деган хулосага келади ва Хитой қонунчилигини ҳамда АҚШ ҳуқуқни қўллаш амалиётини қиёсий таҳлил қилган ҳолда интеллектуал фаолият натижалари ҳамда бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситалари мутлақ ҳуқуқи гаров предмети бўлиши мумкинлиги, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, мутлақ ҳуқуқ тўғрисидаги шартномага фуқаролик кодексининг гаров тўғрисидаги қоидалари қўлланилиши билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига “Мутлақ ҳуқуқлар гарови” деб номланган 265<sup>1</sup>-модда киритиш зарурияти асослаб берилади.

## ХУЛОСА

“Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари” мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий-назарий, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид хулосаларга келинди:

### **I. Илмий-назарий хулосалар:**

1. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш мажбуриятни бажариш жараёнида вужудга келадиган қарздор ва кредитор ўртасидаги муносабатлар билан чегараланиб қолмасдан, балки у учта босқични ўз ичига қамраб олувчи муносабатлар мажмуаси бўлиб, ўз ичига шахсларни шартнома тузишга (тайёргарлик босқичи), тарафларни олган мажбуриятини бажаришини таъминлаш (асосий босқич) ва мажбурият бузилганидан кейин ижрони таъминлаш жараёнлари (яқуний-тиклаш босқич)ни қамраб оладиган тизим эканлиги очиқ берилди.

2. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш тушунчасига янги ҳуқуқий мазмундаги илмий-доктринаал муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: “Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш деганда, шартнома олди, уни амалга ошириш ва ижрога қаратиш



даврида қарздорда ўз зиммасига олган мажбуриятини бажаришига бевосита ундаш, мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслигининг олдини олиш орқали бошқа иштирокчилар билан бирга кредиторнинг мулкӣ манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида бевосита махсус қонун ёки қонун ҳужжатлари ёхуд шартномада белгиланадиган ҳуқуқӣ таъминлаш усуллари тушунилади”.

3. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг цивилистик аҳамияти ва ролини илмӣ концептуал таҳлил қилиш асосида унинг ҳуқуқӣ мазмуни куйидагича тавсифлаб берилди:

*биринчидан*, мажбурият бажарилиши кафолатланади; *иккинчидан*, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг манфаати таъминланади; *учинчидан*, мажбуриятни бажаришга қарздорни ундайди; *тўртинчидан*, инфляция, ишлаб чиқариш даражаси пасайиб кетиши, етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловнинг амалга оширилмаслиги хавфи бартараф этилади; *бешинчидан*, тарафлар мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, уларнинг зиммасига кўшимча мажбуриятлар юкланади ёки мажбуриятнинг бажарилишига эришиш учун қарздор мулки захираланиб кўйилади; *олтинчидан*, мажбурият қарздор томонидан бажарилмаганида кафил зиммасига уни бажаришнинг юкланиши кафолатланади ва кредитор нафақат қарздорга, балки кафилга ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади; *еттинчидан*, шартнома шартларини бажаришга тарафларни ундаш учун мажбуриятни виждонан ва оқилона бажаришга даъват этилиши орқали шартнома интизомининг мустаҳкамланиши таъминланади.

4. Фуқаролик ҳуқуқида таъминловчи чораларни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида эътироф этишнинг ягона бир мезонлари мавжуд эмас. Тадқиқотчининг фикрича, таъминловчи чораларни “Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқӣ таъминлаш усуллари” сифатида эътироф этиш учун асос ҳисобланадиган ғоятда муҳим бўлган белги ва хусусиятларни ягона бир тизимга бирлаштирувчи мезонлар: *биринчидан*, уларнинг мажбурият эканлиги (*белги*); *иккинчидан*, қонунчилик ёхуд келишув бўйича вужудга келиши (*белги*); *учинчидан*, асосий мажбурият бажарилишига ундаши (*хусусият*); *тўртинчидан*, мулкӣ оқибатни юзага келтириши, яъни мажбурият иштирокчилари манфаатини ҳимоя қилиши (зарарни қоплаш) (*хусусият*) ҳамда *бешинчидан*, асосий мажбуриятга нисбатан кўшимча (акцессор) *хусусиятга* эга эканлиги инобатга олинishi лозим.

5. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқӣ таъминлаш усулларига нисбатан куйидаги мазмундаги муаллифлик таърифи асослантирилди: “Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқӣ таъминлаш усуллари деб, қарздор зиммасига олган мажбуриятини бажара олмаслигининг олдини олиб, уни ўз мажбуриятини бажаришига ундаш орқали мажбурият бажарилишини лозим даражада виждонан ва оқилона таъминлаш йўли билан мажбурият иштирокчиларининг мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини кафолатловчи мажбуриятлар сифатида

бевосита махсус қонун ёки қонун ҳужжатлари ёхуд шартномада белгилаб қўйиладиган чораларга айтилади”.

6. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларини оқилона белгилаш, уларни қўллашда ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, мажбуриятни бажарилишини таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий усулларнинг хусусиятларини инобатга олиб уни туркумлаш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам асослантириб берилди. Бу эса ўз навбатида, тарафларнинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга нисбатан тўғри ёндошишга имконият яратади. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг мавжуд усулларини туркумлашнинг илмий-методологик фаразлари қуйидаги асосларга кўра тавсифлаб берилди: 1) мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг ундовчи усуллари – неустойка ва закатат (*фарқланиши хусусиятини ҳам инобатга олган ҳолда*); 2) мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг мажбурият иштирокчилари манфаатини ҳуқуқий ҳимоя қилиш усули – кафиллик (*кредитор, қарздор ва учинчи шахслар манфаатларини ҳимоя қилиши хусусиятини инобатга олган ҳолда*); 3) мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг мажбурият иштирокчилари манфаатини ҳуқуқий ҳимоя қилиш усули – кафолат (*акцессор хусусиятга эга бўлмаганлигини ҳамда кредитор, қарздор ва учинчи шахслар манфаатларини ҳимоя қилиши хусусиятини инобатга олган ҳолда*); 4) мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг “универсал усуллари” – гаров ва қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш каби туркумлаш мезонлари асослаб берилди.

7. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларининг цивилистик тадрижий ривожланиш тенденциялари қуйидаги асосларга мувофиқ исботлаб берилди: 1) **анъанавий усуллар** – неустойка (ЎзР ФК, 260-263-моддалар), гаров (ЎзР ФК, 264–289-моддалар), кафиллик (ЎзР ФК, 292–298-моддалар), закатат (ЎзР ФК, 311–312-моддалар). Бу усуллар Рим ҳуқуқидаёқ маълум бўлган; 2) **бошқа таъминлаш усуллари** – қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш (ЎзР ФК, 290–291-моддалар) ва кафолат (ЎзР ФК, 299–310-моддалар). Бу таъминлаш усуллари ЎзР ФКга янги киритилган (1995 йил 21 декабрь); 3) таъминлаш усуллари сифатида – **таъминловчи битимлар** (насияга товар сотиш (ЎзР ФК, 421-модда), товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш (ЎзР ФК, 422-модда), ижара (ЎзР ФК, 535-модда), лизинг (ЎзР ФК, 587-модда), пудратчининг ушлаб қолиш ҳуқуқи (ЎзР ФК, 639-модда), пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) (ЎзР ФК, 749-модда), шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш (ЎзР ФК, 919-модда); 4) **замонавий таъминлаш усуллари** - “Estoppel”, “Warranty”, “Indemnity”, “Эскроу”, “Астрент”; 5) **“урфга айланган”** таъминлаш усулларига туркумлаш зарурияти асослаб берилди.

8. Мажбуриятларнинг бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларига хос бўлган хусусиятлар ёритиб берилди. Бунда уларнинг *биринчидан*, қарздор томонидан олинган мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганида юзага келадиган ҳуқуқий оқибатни бартараф этиш учун энг ишончли усули бўлиши; *иккинчидан*, ашёвий-ҳуқуқий ва мажбурият-

хуқуқий хусусиятга эга бўлиши; *учинчидан*, у билан таъминланган мажбурият қарздор кредиторига бошқа кредиторларга қараганда имтиёз тақдим эта олиши; *тўртинчидан*, мажбурият бажарилишини таъминлашда эркин шаклда қўлланила олиш имкониятига эга бўлиши; *бешинчидан*, оммавий фойдаланишга мўлжалланган бўлиши; *олтинчидан*, ҳар қандай мажбурият бажарилишини таъминлай олиши; *еттинчидан*, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида кўп тармоқли хусусиятга эга бўлиши; *саккизинчидан*, шартномадан ташқари мажбуриятларни таъминлай олиши (гаров) лозимлиги, айнан ушбу хусусиятлар гаров ва ушлаб қолишда мавжудлиги тадқиқ қилиниб, уларни универсал усул сифатида эътироф этиш таклиф этилди.

9. Товар неустойкаси ва делькредереда таъминлаш усулларига хос бўлган белги ва хусусиятлар мавжудлиги асослаб берилди. Бунинг асоси сифатида энг аввало мажбурият ва қонунчилик ёхуд шартнома асосида вужудга келиши (*белгилари*) ҳамда асосий мажбуриятнинг бажарилишига ундаши (*ундаш хусусияти*), мулкӣ оқибат вужудга келтириши орқали манфаатларни ҳимоя қилиши (*зарарни қоплаш хусусияти*) ва асосий мажбуриятга нисбатан кўшимча (акцессор) хусусиятга эга эканлиги исботланди.

10. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашни такомиллаштиришнинг истиқболларини белгилашда “Астрент”, “Эскроу”, “Indemnity”, “Warranty” ва “Estoppel” каби замонавий конценциялардан, шунингдек, “Таъминловчи битимлар” ва интеллектуал мулк объектларидан гаров нарсаи сифатида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида фойдаланишнинг самарали жиҳатлари асослантириб берилди.

## **II. Қонун ижодкорлиги йўналишидаги таклифлар:**

11. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш юзасидан судга мурожаат қилиб, тегишли суд қарорлари чиқарилганидан кейин ҳам улар ижро қилинмасдан қолиши кредиторнинг мулкӣ манфаатларига зарар етказди. Кредиторнинг талабига биноан қарздор адолат ва оқилоналик тамойилларига риоя этиши ҳамда ноқонуний хатти-ҳаракатлар ва ноинсоф хулқ-атворда бўлишининг олдини олиш учун суд томонидан суд ҳужжатида белгиланган миқдорда, кредитор фойдасига пул маблағларини ундиришга хуқуқий жиҳатдан имконият яратиш мақсадида, Фуқаролик кодексига 258<sup>1</sup>-модда киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда ифодалаш лозим:

**“258<sup>1</sup>-модда. Мажбурият бўйича кредиторнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш**

Агар ушбу Кодекс, қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки мажбуриятнинг моҳиятидан ўзгача ҳолат англашилмаса, қарздор томонидан мажбурият бажарилмаган тақдирда, кредитор суддан мажбуриятнинг асл ҳолда бажарилишини таъминлашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Кредитор томонидан ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ўз хуқуқлари ҳимоя қилиниши қарздорни мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди”.

12. Тадбиркорлик соҳасида олинган мажбуриятлар бажарилиши бир неча усуллар билан таъминланиши, мажбуриятлар бузилганида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқларини оқилона ҳимоя қилиш имкониятини яратиш мақсадида Фуқаролик кодексига 259<sup>2</sup>-модда киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда ифодалаш лозим:

**“259<sup>2</sup>-модда. Мажбурият бажарилишини таъминлаш усулининг ўзгартирилиши ёки бир нечта усулларнинг қўлланиши**

Мажбурият бажарилишини таъминлаш усули кредиторнинг розилиги ёки суд қарорига биноан бошқа таъминлаш усули билан алмаштирилиши мумкин. Агар кредитор айбига кўра, мажбурият етарли даражада таъминланган бўлмаса, таъминлаш бўйича бир нечта усуллар қўлланилиши мумкин”.

13. Давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар мавжуд бўлсада, бироқ бугунги кунга қадар чет тиллари атамалари қўлланилиб келинаётганлиги қонунчилик техникасига мувофиқ келмаслигини инобатга олган ҳолда Фуқаролик кодексининг 260-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

“Қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд кечиктирган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси ёки товар лафзсизлик тўлови ҳисобланади”.

Шунингдек, неустойка предметининг фақат пул шаклида белгиланиши ва ундирилиши мажбурият субъектларини ҳар қандай, яъни пулнинг қадрсизланиши ёки етарли маблағнинг йўқлиги каби ҳолатларда ҳам мулкӣ манфаатларини тўлиқ таъминлай олмайди. Чунки, бундай ҳолатларда мажбурият субъектлари ишлаб чиқарилган маҳсулотларни арзон сотиш ўрнига омборхонада сақлаб туришни афзал кўради. Бу нафақат мажбурият субъектлари фаолиятига, балки ижтимоӣ-иқтисодӣ муносабатларнинг ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Мажбуриятнинг лозим даражада бажарилишига тўловга қобилиятсизлик ҳолати сабаб бўлганида мажбурият бузилиши нисбатини инобатга олган ҳолда маълум бир қимматлик (товар) эвазига лафзсизлик тўловини тўлашга имконият яратиш орқали кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Фуқаролик кодекси 260-моддаси қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ёхуд бажарилиши кечиктирилган тақдирда, ўзаро келишувга асосан мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига мувофиқ келадиган пул суммаси ёки товарнинг берилиши белгиланиши мумкин”.

14. Фуқаролик қонунчилигидаги “алиментлар тўғрисидаги талаблар” гаров нарсаи бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги чекловлар бартараф этган ҳолда гаров билан таъминланадиган шартномавий муносабатлар доираси кенгайтилиши орқали фуқароларга бу муносабатларда ўз ҳуқуқларини эркин амалга ошириш имкониятини яратиш мақсадида Фуқаролик кодексининг 267-моддаси биринчи қисмидаги “алиментлар тўғрисидаги талаблар” деган сўзларни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

15. Мажбуриятлар бажарилишини лозим даражада таъминлаш учун бу жараёнга бир нечта кафиллар жалб қилиниши лозим. Агар улардан бирортаси асосий мажбуриятни тўлиқ бажарса у янги кредиторга айланиб, асосий мажбурият бўйича талаб қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бу орқали кредитор ва кафил (янги кредитор)нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланади. Шу нуқтаи назардан Фуқаролик кодексига 292<sup>1</sup>-модда киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда ифодалаш мақсадга мувофиқ:

**“292<sup>1</sup>-модда. Биргаликдаги кафиллар**

Ўзаро келишувга кўра бир нечта шахслар биргаликдаги кафиллар сифатида мажбурият бажарилиши юзасидан жавобгарликни ўз зиммасига олишлари мумкин. Бунда улар мажбуриятнинг бажарилиши учун солидар жавобгар ҳисобланадилар. Мажбуриятни бажарган кафил янги кредитор сифатида дастлабки кредиторнинг барча ҳуқуқлар ва талабларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўзига ўтказилишини талаб қилишга ҳақли бўлади”.

16. Бугунги кунда тадбиркорлик соҳасида вужудга келаётган янги мажбурият муносабатларни таъминлаш учун фақатгина банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилотининг чекланган доираси етарли эмас. Уларнинг доирасини янги вужудга келаётган ўзга ташкилотлар билан кенгайтириш лозим. Шунингдек, кафилнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кафолат олишда принципалга нисбатан бир қатор талаблар қўйилиши керак Шу нуқтаи назардан Фуқаролик кодексининг 299-моддаси “суғурта” деган сўздан кейин “*ва ўзга*” деган сўзлар билан ҳамда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ва ўзга ташкилот (кафил)дан бошқа шахс (принципал) кафолат олиши учун зарар қўриб ишламаётган бўлиши, ноликвид балансга эга бўлмаслиги, муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзларининг мавжуд бўлмаслиги, молиявий йил натижалари бўйича ижобий аудиторлик хулосасига ва ижобий кредит тарихига эга бўлиши каби талабларга жавоб бериши лозим”.

17. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 302-моддасини “Кафолатнинг чақириб олинishi ва ўзгартирилиши” деб номлаган ҳолда янги таҳрирда қабул қилиш мақсадга мувофиқ:

“Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил томонидан чақириб олинishi ёки ўзгартирилиши мумкин эмас.

Агар кафолат шартига кўра, кафил томонидан уни чақириб олиш ёки ўзгартиришга йўл қўйиладиган бўлса, бунда бошқача шакл кўрсатилган бўлмаса, кафолатда берилган шаклда чақириб олиш ёки ўзгартириш амалга оширилади.

Агар кафолат шартига кўра, кафил томонидан бенефициар билан келишган ҳолда уни чақириб олиш ёки ўзгартиришга йўл қўйиладиган бўлса, кафилнинг мажбурияти у томонидан бенефициарнинг розилигини олган пайтдан бошлаб, ўзгарган ёки бекор бўлган ҳисобланади.

Принципалга кафолат берилганидан кейин кафилнинг мажбурияти ўзгарган бўлса, бу ҳолат принципалнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир

қилмайди, агарда у томонидан бундай ўзгаришларга розилик берилмаган бўлса”.

18. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 311-моддаси учинчи қисми янги таҳрирда қабул қилиниши таклиф этилиб, унда закатат берилганидан кейин бир ой ичида келишилган мажбурият бажарилмаса бир тараф закататни йўқотиши ёки иккинчи тараф уни икки баравар миқдорда тўлаши лозимлиги тегишли тарафга мажбуриятни бажаришдан бош тортиш ҳуқуқини бериши асослантириб баён этилди. Чунки, тарафлар закатат бериб, шартнома тузилишидан закататдан кўра каттароқ манфаат кўришни мақсад қилиб кўядилар. Шартноманинг бажарилмаслиги натижасида кредитор нафақат закататни йўқотади, шу билан бирга, қарздор томонидан пухта ўйланмасдан қилинган таклифи асосида каттароқ фойдани ҳам йўқотиши мумкин.

19. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини “Лафзсизлик тўловини қўллашнинг соддалаштирилган тартиби” деб номланган 326<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш юзасидан таклиф берилиб, унда агар тарафларнинг келишувида бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, қарздор олган мажбуриятини бажариб бориш даврийлигининг кейинги босқичлари унинг бузилишига йўл қўймаса, лафзсизлик тўловини тўлашдан озод қилиниши, лафзсизлик тўловини қўллашнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилмайдиган ҳолатлар асосли тарзда баён этилди. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан қарздор ўз мажбуриятини бажаришига инсофли равишда ёндашадиган бўлса, унга нисбатан енгиллик яратилади. Бу эса ўз навбатида, қарздорни ўз зиммасига олган мажбуриятини лозим даражада бажаришга ундайди.

20. Фуқаролик кодекси 310<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилиши ва қуйидаги таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ:

#### **“310<sup>1</sup>-модда. Ҳолатлар бўйича кафолат**

Тараф шартнома тузилаётганида ёки тузилгунга қадар ёхуд ундан кейин иккинчи тарафга шартнома тузилиши, унинг бажарилиши ёки бекор қилиниши (шу жумладан, шартнома предмети, уни тузиш ваколатлари, шартноманинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги, зарур бўлган лицензиялар ва рухсатномалар мавжудлиги, учинчи шахс билан боғлиқлиги ёки унинг молиявий аҳволи) учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар бўйича ишончга сазовор бўлмаган кафолат берган бўлса, унинг талабига кўра, бундай ишончга сазовор бўлмаган кафолат бериши натижасида етказилган зарарни қоплаши ёки шартномада белгиланган лафзсизлик тўловини тўлашга мажбур.

Шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган оқибатларнинг қўлланилишига тўсқинлик қилмайди.

Агар шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномавий ҳамкорнинг ишончга сазовор бўлмаган кафолатига таянган тараф бунинг натижасида келиб чиққан зарарни қоплаш ёки лафзсизлик тўловини тўлаш тўғрисида талаб қилиши билан бирга, шартномадан бош тортиш ҳуқуқига эга.

Тараф томонидан берилган ишончга сазовор бўлмаган кафолат натижасида келиб чиққан янглишиш ёки алданиш таъсирида шартнома тузган тараф шартномани бажаришдан бош тортиш ўрнига шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақли”.

21. Фуқаролик кодекси 975<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилиши ва қуйидаги таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ:

**“975<sup>1</sup>-модда. Шартли депонентлаш шартномаси (Эскроу)**

Шартли депонентлаш шартномаси (эскроу) бўйича депонент мулкни бошқа шахсга (бенефициарга) топшириш бўйича мажбуриятни бажариш учун мол-мулкни эскроу-агентга депозитлашга топшириш мажбуриятини олади ва эскроу-агент эса, шартномадаги шартлар вужудга келганида, ушбу мол-мулкни сақлаш ва бенефициарга топширилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Эскроу шартномаси депонент, бенефициар ва эскроу-агенти ўртасида тузилади ва унда, мол-мулкни депонентлаш муддати кўрсатилиши шарт. Эскроу шартномаси беш йил муддатга тузилади. Эскроу шартномаси нотариал тасдиқланиши шарт, нақдсиз пул маблағларни ёки ҳужжатсиз қимматли қоғозларни депозитга қўйиш ҳоллари бундан мустасно.

Мол-мулкни бенефициарга топшириш учун эскроу шартномасида кўрсатилган асослар вужудга келганида (жумладан, бенефициар ёки учинчи шахс томонидан шартномада назарда тутилган ҳаракатлар амалга оширилганда ёхуд шартномада белгиланган муддат ёки ҳодиса рўй берганида) эскроу-агент депонентланган мол-мулкни эскроу шартномаси шартларига мувофиқ бенефициарга топшириши шарт. Агар эскроу шартномасида кўрсатилган мол-мулк бенефициарга топшириш бўйича асослар эскроу шартномаси амал қилиш муддати давомида вужудга келмаса, эскроу-агент олинган мол-мулкни депонентга қайтариб беришга мажбур.

Депонентлаш объекти кўчар мулк (жумладан, нақд пул, ҳужжатли қимматли қоғозлар ва ҳужжатлар), нақдсиз пул маблағлар, ҳужжатсиз қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, депонентлаш объекти эскроу-агентга топширилгандан сўнг эскроу шартномаси амал қилган муддат давомида, депонент ушбу мол-мулкни тасарруф этишга ҳақли эмас.

Депонентнинг мол-мулкни бенефициарга топшириш бўйича мажбурияти ушбу мол-мулк эскроу-агентига топширилган пайдан бошлаб бажарилган ҳисобланади”.

22. Мамлакатимизда бозор муносабатлари табора тараққий этиб бориши жараёнида расмийлаштирилиши содда ва фойдаланиш учун қулай бўлган ломбарддаги ашёлар гаровига бўлган эҳтиёжни ифода этган кенг қамровли ижтимоий муносабатлар юзага келмоқда. Бироқ бу соҳада бир қатор ломбардлар фаолият олиб бораётган бўлса-да, улар махсус қонунга асосан эмас, балки қонун ҳужжатларида акс этган айрим нормаларга ёки низомларга асосланган ҳолда фаолият юритмоқда. Ушбу ҳужжатлар ломбардлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш учун етарли эмас. Шу боис, соҳага доир қонунчилик нормаларини тизимлаштириш

мақсадида ақлли тартибга солиш элементларини ўз ичига олган ломбардлар фаолиятига оид қонунчиликни унификация қилишни тақозо этмоқда. Айни шу жиҳатидан бу борадаги хорижий (АҚШ, Франция, Малазия, Сингапур, Хитой ва ш.к.) давлатлар қонунчилигини қиёсий таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Ломбардлар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

### **III. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар:**

23. Неустойкани камайтиришнинг оқилоналигига эришиш, суд амалиётини бирхиллаштириш орқали одил судловни амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 326-моддасини амалиётга қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори қабул қилиниши зарурияти асослаб берилди.

24. Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишига таъминлаш усулларини амалда тўғри татбиқ этилиши ва уларнинг суд амалиётида бир хилда қўлланилишини ҳамда бу борада фуқаролик қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя этилишига эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сон “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори янги таҳрирда ишлаб чиқилиши зарурияти асослаб берилди.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЮРИДИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**РАХИМОВ ДАНИЯР БАХТИЯРОВИЧ**

**ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ИСПОЛНЕНИЯ  
ОБЯЗАТЕЛЬСТВ**

12.00.03 – Гражданское право. Предпринимательское право.  
Семейное право. Международное частное право

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**диссертации доктора юридических наук (Doctor of Science)**

**Ташкент – 2022**

Тема диссертации доктора наук (Doctor of Science) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.DSc/Yu135.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный консультант:**

**Рузивазаров Шухрат Нуралевич**  
доктор юридических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Ходжаев Бахшилло Камолович**  
доктор юридических наук, доцент

**Мухаммадиев Аюб Абдурахманович**  
доктор юридических наук, профессор

**Камалов Ойбек Ахматович**  
доктор юридических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Академия Генеральной прокуратуры  
Республики Узбекистан**


Защита диссертации состоится 02 апреля 2022 года в 10.00 часов на заседании Научного совета DSc 07/30.12.2019.Yu 22.01 при Ташкентском государственном юридическом университете (Адрес: 100047, г. Ташкент, улица Сайилгох, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного юридического университета (зарегистрировано за № 1032). (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).


Автореферат диссертации разослан 11 марта 2022 года.

(протокол реестра № 5 от 11 марта 2022 года).



  
**У.Р. Рустамбеков**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор юридических наук,  
профессор

  
**Д.Ю. Хабибуллаев**  
Научный секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
кандидат юридических наук,  
профессор

  
**С.С. Гулийев**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней, доктор  
юридических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Быстро меняющиеся информационно-коммуникационные технологии в мире, особенно бурное развитие цифрового гражданского оборота обуславливают проведение фундаментальных исследований традиционных способов обеспечения законных интересов сторон, участвующих в гражданско-правовых отношениях, и повышение их эффективности на практике. Актуальным является комплексное научно-теоретическое обоснование взаимосвязи традиционных методов обеспечения исполнения обязательств и применения новых форм и методов, связанных с использованием цифровых технологий, особенно в условиях пандемии растет использование смарт-контрактов, основанных на новых цифровых технологиях, таких как «Blockchain». Ожидание того, что к 2027 году с помощью технологий, основанных на Blockchain, будет сосредоточено около 10 процентов мирового валового внутреннего продукта<sup>1</sup>, а также широкое использование новых технологий для обеспечения исполнения обязательств в соответствии с «Конвенцией Организации Объединенных Наций об использовании электронных сообщений в международных договорах»<sup>2</sup> регулирующей отношения, связанные с заключением электронных договоров, требует объективного изучения эффективности заключения договоров в электронной форме, с использованием электронных подписей, фундаментальных основ гражданско-правовой природы способов обеспечения исполнения обязательств с учетом требований и потребностей цифровой реальности.

В мире проводятся научно-исследовательские работы по концептуальному изучению научно-теоретических аспектов формирования и тенденций развития гражданско-правового обеспечения исполнения обязательств, определению новых научных тенденций, влияющих на обеспечение исполнения обязательств, введению новых цивилистических концепций для обеспечения исполнения обязательств. В этом направлении все большую актуальность приобретают совершенствование гражданско-правовых механизмов и способов обеспечения исполнения обязательств, поиск ее научных и теоретических решений по обеспечению законных интересов участников обязательства на основе концептуального исследования научных концепций юридических институтов в рамках темы и изучение современных концепций таких как «Astrent», «Escrow», «Indemnity», «Warranty» и «Estoppel», в частности, научная оценка института обеспечения исполнения обязательств на основе комплексного исследования, совершенствование традиционных методов обеспечения, определить эффективность практики применения «дуализма права» публичного и

---

<sup>1</sup>Deep Shift. Technology Tipping Points and Societal Impact. World Economic Forum. Survey Report. September 2015. P. 24. //Савельев А.И Договорное право 2.0: «умные» контракты как начало конца классического договорного права /Вестник гражданского права.-2016, -N3. -С.32-59.

<sup>2</sup><http://docs.cntd.ru/document/901966877>

частного права к отношениям гражданско-правового обеспечения исполнения обязательств.

В нашей стране в соответствии со стратегией развития в условиях комплексных и решительных реформ проводится теоретическо-методологические, а также практическое исследование проблем регулирования гражданско-правовых обязательственных отношений. Действительно, гражданское законодательство ограничено в основном традиционными способами регулирования обеспечения исполнения обязательств, что явно проявляется в судебной практике. Анализ практики показывает, что наличие определенных пробелов в правовом регулировании отношений между сторонами обязательства, часто приводит к неисполнению или ненадлежащему исполнению обязательств сторонами, иногда возникают проблемы при применении гражданского законодательства для обеспечения исполнения обязательств.

Концепция совершенствования гражданского законодательства Республики Узбекистан определило новые особо важные задачи как «совершенствование мер и средств, направленных на обеспечение добросовестного и надлежащего осуществления гражданских прав и исполнения гражданских обязанностей; обеспечение надежных гарантий прав кредиторов и должников; формирование правовых основ применения информационно-коммуникационных технологий в гражданских правоотношениях; развитие норм о залоговых отношениях»<sup>1</sup>. Определенные в этом направлении задачи связаны с совершенствованием механизмов правового регулирования отношений по исполнению прямых обязательств, в частности, созданием надежных гарантий прав и интересов кредиторов и должников. С данной позиции актуальными и приоритетными остаются задачи исследования вопросы раскрытия специфики способов обеспечения исполнения обязательств, разработки механизма их применения, дальнейшее совершенствование системы гражданско-правового регулирования отношений, связанных с обеспечением исполнения обязательств.

Данное диссертационное исследование в определенной мере послужит реализации задач, предусмотренных в Гражданском кодексе Республики Узбекистан (1995, 1996), Законах «О залоге» (1998), «Об ипотеке» (2006), «О защите частной собственности и гарантиях прав собственников» (2012), «О залоговом реестре» (2013), «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов» (1998), Указах Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 7 февраля 2017 года, «О мерах по коренному совершенствованию договорных отношений» №УП-6313 от 14 сентября 2021 года и Распоряжении «О мерах по совершенствованию гражданского

---

<sup>1</sup>Распоряжение Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию гражданского законодательства Республики Узбекистан» №Р-5464 от 5 апреля 2017 года. Национальная база данных законодательства / <https://lex.uz/docs/4272619>.

